амали қандай бўлмасин, Аллоҳ уни жаннатга киритади», – дедилар

Убода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки «Шериги бўлмаган якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули ҳамда Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули, Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда У томонидан бўлган руҳ (соҳибидир), жаннат ҳақ, дўзах ҳақ», деб гувоҳлик берса, амали қандай бўлмасин, Аллоҳ уни жаннатга киритади», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким тавҳид калимасини маъносини тушуниб, унга амал қилиб талаффуз қилса ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва банда деб гувоҳлик берса, шу билан бирга Исо алайҳиссаломни Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари деб гувоҳлик берса, Аллоҳ уни «Бўл» деган сўзи билан яратган ҳамда у Аллоҳ яратган руҳлардан бири деб у кишининг оналарини яҳудийлар қилган туҳматдан покласа, жаннат ва дўзах ҳақ, у иккаласи ҳам ҳозирда мавжуд ва улар Аллоҳнинг неъмати ва азоби эканига иймон келтириб вафот этса, борар жойи гарчи тоатларда камчилиги бўлиб, гуноҳлари кўп бўлса ҳам жаннат бўлишини хабар бермоқдалар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3417